

Саидафзал Саиджалолов,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси катта ўқитувчиси



ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ЁШЛАР ОНГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур.

Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз.

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг
2017 йил 30 июнда «Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракатининг IV
қурултойидаги нутқидан*

XXI аср – инфор­мацион технологи­ялар тараққиёти асри. Бугунги кундаги тараққиётни жаҳон ахборот тармоғи – интернетсиз тасаввур қилиш мушкул.

Интернет сўзи «халқаро тармоқ» маъносини англатади. Интернет – ахборот ва ҳужжатларнинг ўзаро алмаши­ни­шини таъминлайдиган компьютер тармоқларини бирлаштирган халқаро тизимдир.

Интернет кенг имкониятлар эши­гини очди. Уйдан кўчага чиқмай туриб глобал тармоқ орқали дунё кутубхона­лари бўйлаб сайр қилиш, дунёнинг на­риги чеккасида жойлашган олий ўқув юр­тининг масофавий (виртуал) талаба­си бўлиш, ҳатто электрон хизматларни (матнларни таржима қилиш, видео ва аудио маҳсулотларни тайёрлаб бериш, китоб ва рисо­лаларни саҳифалаш ва ҳ.к.) шартнома орқали бажариш орқали пул ишлаб топиш, хуллас, интернетнинг ижобий жиҳатлари бисёр. Ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларнинг қу­лайлигичи? Онлайн конференциялар ўт­казиш, онлайн малака ошириш, яқинлар ва таниш-билишлар билан тез ва арзон видео ёки аудио мулоқот қилиш. Мана шу жиҳатлари билан интернет кейинги пайтларда жозибадорликда телевиде­ние, радио ва бошқа ахборот воситала­рини ортда қолдирмоқда. Лекин интер­нет кўплаб фойдали жиҳатлари билан

бирга салбий оқибатларини ҳам намоён қилмоқда. Аҳолида, айниқса, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятининг сустиги, турли хабарлар оқимидан кераклигини ажратиб олишда билим, малака ва кўникманинг етишмаслиги баъзиларнинг ғаразли кимса ва оқимлар таъсирига тушиб қолишларига, интернет қарамлиги касаллигига йўлиқишларига сабаб бўлмоқда. Хитой Халқ Республикасида интернетга қарамлик касаллик сифатида эътироф этилиб, уни даволовчи махсус шифохоналар ташкил этилгани сўзимиз исботидир.

Глобал тармоқ натижасида юзага келган энг катта муаммо бу, албатта, қарамлик, тобелик касаллигидир. Ёшларнинг интернетда кўп вақт ўтказишлари глобал муаммога айланиб улгурган. Бугун интернет айрим ёшлар учун машҳур ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асари қаҳрамони Ҳошимжон топиб олган кўринмас қалпоқча бўлиб қолди. 80-йилларда ҳар бир ёш кўринмас қалпоқча топиб олишни орзу қилган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб бу воқеликка айланди. Интернет бугун айрим кимсалар учун кўринмас қалпоқча вазифасини ўтамоқда. Сабаби, интернетга ўз номлари ва мақсадларини яшириб бегона ном остида кирган кимсалар виртуал оламда кўнгли тусаган иш билан машғул бўлиш мумкин, буни ҳеч ким билмайди, деб ҳисоблайдилар. Умуман, интернетга қарамликнинг энг оғир жиҳати реал оламини, инсонийлик бурч ва вазифаларини унутишдир. Инсон ҳақиқий ҳаётда яшаши, ҳалол меҳнат қилиши, илм олиши, зиммасидаги вазифаларини бажариши, элу юртига хизмат қилиши, атрофдагиларга фойда келтириши зарур. Интернетга чалғиган инсон ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини унутади. Айниқса, ёшларнинг интернет билан узоқ машғул бўлишлари хатар-

лидир. Узоқ вақт мониторга тикилиб ўтириш кўзга жиддий зарар етказиши билан бир қаторда овқат ҳазм қилиш тизимида муаммолар келтириб чиқаради, бош оғриғига сабаб бўлади, хотиржамликнинг йўқолиши каби салбий ҳолатларни вужудга келтиради. Шунингдек, интернетнинг асосий хусусияти кишиларни иложи борича ўзига кўпроқ жалб этишдан иборатлигини таъкидлаш лозим. Сайтлар ҳар қандай руҳияти кучли киши эътиборини торта оладиган даражадаги ёрқин ва дилтортар рекламалар билан тўлиб тошган. Натижада интернет кишининг атроф-воқеликдаги ҳодисаларга бўлган диққат-эътиборини сусайтиради ва ёру дўстлар, таниш-билишлар билан жонли мулоқот қилишга салбий таъсир кўрсатади. Интернетда кўп вақтини ўтказадиган инсоннинг руҳиятида мавҳумлик ва ўз қобиғига ўралиб олиш ҳолати кузатилади. Бу эса унинг келажақда «учинчи кучлар» томонидан манқуртлаштирилиши, зомбилаштирилиши учун замин яратади. Бугунги кунда бузғунчи гуруҳлар ёшлар онгига таъсир қилишда асосан, интернетдан фойдаланилаётганлари бежиз эмас.

Интернет муайян сабабларга кўра реал ҳаёт тарзидан қочаётганлар учун қуйидаги «имкониятлар» эшигини очиши билан ёшларни ўзига жалб этмоқда:

- яширин мулоқотни хотиржам амалга ошириш имконияти;
- ўз орзу-хаёллари ва фантазияларини амалга ошириш шароити;
- чекланмаган тарзда маълумотларга эга бўлиш имконияти, информацион вампиризм касаллиги, яъни бир кунда жуда кўплаб маълумотларни олишга ўрганиб қолиш ва бусиз ҳаётини тасаввур эта олмаслик;
- реал ҳаётда амалга ошира олмайдиган мунтазам янги суҳбатдошларни қидириш ва топиш имконияти.

Тўғри, интернет ақлий салоҳиятнинг тез юксалишига сабаб бўлади, ундаги маънавий-маърифий, интеллектуал тарбияга бағишланган сайтлар ўсмир дунёқарашига ижобий таъсир ўтказди. Лекин интернетнинг яна бир хавфи жиҳатини – жонли мулоқотдан узилиш сабаб руҳий муаммоларнинг келиб чиқишини унутмаслик даркор.

Интернетнинг яна бир салбий жиҳати – кишилардаги худбинлик, манманлик, замонавий тилда ифода этганда эгоцентризм (эго – нафс, худпарастлик, центр – марказ) иллатининг кучайишига сабаб бўлишидир. Реал ҳаёт қонунларини писанд қилмаган, маърифат ва меҳнатдан қочган кимсалар интернет орқали ўзларини буюк қилиб кўрсатишга, интернет фойдаланувчилари – оддий юзерлар (юзер – инглиз тилидан таржима қилганда фойдаланувчи) орасида ўз ҳукмини ўрнатишга интиладилар. Улар турли сайтлар, ижтимоий тармоқларда ўз ҳаётларини гўзал қилиб кўрсатишга, монтаж қилинган ва ишлов берилган фотоларини кўз-кўз қилишга, аллома-лардан кўчирилган пурҳикмат сўзларни ўз номларидан эълон қилишга ва бу орқали атрофига тарафдорлар тўплашга қизиқади.

Бугун интернет маданияти, виртуал маданият, ахборот маданияти, маълумотлардан тўғри фойдаланиш маданияти каби тушунчалар ҳаётимиздан ўрин эгаллади. Ёшларда интернет оламида ўз ўрнини тўғри белгилаш ва фойдаланувчилар билан тўғри муомала қилиш, виртуал оламдаги ахборотларни тўғри таҳлил қилиш малакасини шакллантириш давр талабидир.

Интернет алоқаларининг ўзига хос жиҳати мулоқот қилаётган тарафларнинг бир-бирларини яхши билмасликлари, яхши танимасликларидир. Виртуал оламда биров билан мулоқот-

га киришар экансиз, уни реал ҳаётда танимаслигингиз туфайли муаммо ва мураккабликларга дуч келасиз. Содда айтганда, интернетда ўзини кекса деб таништирган одам реал ҳаётда ёш, аёл деб таништирган эркак, оиласиз деб таништирган бола-чақали, пулдор деб таништирган қарздор, ҳомий деб таништирган жиноятчи бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади: «Эй имон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмай бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар» («Хужурот» сураси, 6-оят). Бугун интернетдаги текширилмаган, манбаси аниқ бўлмаган хабарларга алданиб, турли бузғунчи йўлларга кириб кетаётганлар, одам савдосига учраётганлар хабарни аниқлаштирмаганларидан шундай офатларга дучор бўлмоқдалар.

«Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар...». Ояти каримада Аллоҳ таоло «фосиқ хабар келтирса, аниқлаб», хабарнинг собитлигини текшириб кўришга амр қилмоқда. Афсуски, ушбу оятга амал қилмаган кимсалар оқибатда катта мусибатларга дучор бўлмоқдалар. Бир хабарни эшитиши биланоқ, суриштирмай бирор иш қилинса, кейин хабарнинг ёлғонлиги ёки хатолиги аён бўлса, ҳақиқатан афсус-надоматга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: «...билмай бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар», демоқда.

Оятда хабарни қабул қилиш масаласи кўтарилмоқда. Хабар берувчи сўзида ўта ишончли киши бўлса, унинг хабари қабул қилинади. Умрида бирор марта ёлғон гапирган ёки унинг ишончли-ишончсизлиги маълум бўлмаса, дейлик, нотаниш одам ёки хабари синаб кўрил-

маган кимса бўлса, унинг хабари текширилмай туриб, қабул қилинмайди. Бошқа ишончли манбалардан хабарнинг тўғрилиги собит бўлсагина, қабул қилинади. Бинобарин, интернетдаги муносабатларнинг номаълумлик, яъни аноним характерга қурилгани, яъни киши ўзининг ҳақиқий қиёфасини беркитишга асослангани кўплаб муаммо ва зиддиятларни юзага келтиради.

Бугун интернет орқали тарқатилаётган хабарларни тушуниб-тушунмай, моҳиятига етмай янада кенгроқ тарқалишига ҳиссасини қўшаётганлар қуйидаги ҳадисга эътибор қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди: «Абу Хурайра розияллоху анху ҳадиси: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериши кишининг ёлғончилигига кифоя қилади», – деганлар». (Имом Муслим, Ибн Ҳиббон, Доракутний, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилишган).

Интернетга қизиқувчи ёшлар руҳияти ўрганилганда интернетга қарамлик касаллиги билан оғриётган кўплаб кишиларга хос бўлган айрим жиҳатлар аниқланди. Интернетга қарамлик атамаси илк бор 1996 йилда америкалик психиатр Айвен Кеннет Голдберг (14.04.1934 – 26.11.2016) томонидан киритилган бўлиб, ўз-ўзини назорат қила олмайдиган даражада интернетга мойиллик билан изоҳланди. Бу касалликнинг қуйидаги салбий жиҳатларини алоҳида таъкидлаш ўринли:

Мониторга узоқ тикилиш кишида жуда кучли руҳий стресс уйғотади. Шу жиҳатдан интернетга қарамликни ақлий ва руҳий бузилишни ифодаловчи ўзига хос касаллик дея эътироф этиш мумкин.

Интернет руҳий депрессияга олиб келиши маълум. Қизиқ жиҳати, руҳий депрессияга тушган кимсалар ҳам виртуал оламга мурожаат қилишга, интер-

нет орқали мушкулларини ҳал қилишга уринар эканлар.

Албатта, инсон ҳар бир ишда яхшиликни ният қилиши лозим. Бу интернетдан фойдаланишга ҳам тааллуқли. Агар ният эзгу бўлса инсон интернетдан олган фойдасига қўшимча равишда савобга ҳам эга бўлади. Инсон имон-ихлос билан бир яхшиликни ният билан қилса, бир савоб олади, ўша ниятига амал қилганида эса, савоби ўн марта кўпаяди.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Ўз Раблари таборака ва таолодан ривоят қилиб айтадилар:

«Албатта, Аллоҳ яхшиликлар ва ёмонликларни ёзиб қўйди. Сўнгра ўшани баён қилди. Ким бир яхшиликни қасд қилса-ю, уни амалга оширмаса, Аллоҳ бунини Ўз ҳузурида комил бир яхшилик қилиб ёзиб қўяди. Агар уни қасд этиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ азза ва жалла уни Ўз ҳузурида ўнтадан етти юз яхшиликкача, ундан ҳам бир неча марта кўп қилиб ёзади», дедилар». (Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилганлар.)

Интернетдан фойдаланмоқчи бўлган инсон мақсадини аниқ белгилаб олиши зарур. Қайси сайтга нима ниятда кираётганини яхши ҳис қилиб, ортиқча хабарлар, тафсилотлар билан овора бўлиб қолмаслиги муҳим. Чунки ҳар бир нарсанинг, жумладан, вақт исрофининг ҳам ҳисоби бор. Афсуски, айрим кишилар интернетда соатлаб вақтини, азиз умрининг ғанимат кунларини зое қилмоқда. Узоқ вақт давомида, саккиз-ўн соатлаб интернетда ўтирганлар ўзига хос хасталикларга чалинганлари ҳақидаги хабарлар беҳуда тарқалмаган бўлса керак.

Фарблик олим Кимберли Янг руҳий депрессиянинг интернет билан боғлиқлигини исботлади. У 1994 йилда илк

бор интернетга қарамликни аниқловчи йигирма саволдан иборат тестни эълон қилди. Кимберли Янг 2017 йил 15 сентябрда интернетда эълон қилинган «Диагноз – интернетга қарамлик» номли мақоласида мазкур касаллик юзасидан шикоят қилаётган пациентларнинг сони тобора ортиб бораётганини шарҳлаб берди.

Мусулмон инсон эса доимо, жумладан, интернетдан фойдаланишда ҳам умрининг ҳар лаҳзаси борасида охиратда сўралишини зинҳор унутмайди.

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Қиёмат куни одам боласининг қадами то ундан беш нарсга ҳақида: умрини нимага сарфлагани, ёшлигини нимага кетказгани, молини қаердан касб қилгани ва нимага сарфлагани, билганига қандай амал қилгани ҳақида сўралмагунча, Раббининг ҳузуридан узилмайди». (Термизий ривоят қилган.)

Кўпгина социологлар интернетга қарамликнинг ўсмир руҳиятига таъсири ҳақида унинг интернет орқали тезда жамиятга киришиб кетиши, яъни ижтимоийлашуви содир бўлишини эътироф этадилар. Содда айтганда, ёш йигит ҳали реал ҳаётда кўпчилик билан танишиб улгурмай, компьютер орқали бутун дунё билан мулоқот қилиши мумкин. Интернет мана шундай улкан имкониятни тақдим этади. Лекин, ҳали шахс сифатида шаклланмаган, ўзининг мустақил фикри ва соғлом дунёқарашга эга бўлмаган ёш учун интернет муайян даражада хавфли ҳудудга айланади. Сабаби, инсонлар билан муомала қилишда ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёш ўсмир билиб-билмай турли деструктив гуруҳлар, бузғунчи кучлар, одам савдо-

си билан шуғулланувчи жиноий тўдалар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Хулоса ўрнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида билдириб ўтган фикрларини келтирмоқчимиз:

«Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб қолмолига етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз».